

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 207356 на приобретение 254- мактаб биносини атрофини асфалтлаштириш

Способ проведения электронный

Дата 14.12.2022

Время рассмотрения 06.12.2022 14:37

Конкурсная комиссия Халк таълими булими мактаблар, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	Bakiyev Baxrom Mirganiyevich	Komissiya raisi	Shayxontohur tumani xalq ta'limi bo'limi
Секретарь комиссии	SOTIBOLDIYEV OYBEK FARMONJONOVICH	Komissiya kotibi	Shayxontohur tumani xalq ta'limi bo'limi mudiri
Член комиссии	TURSUNOV AKROM DJAVDATOVICH	Экпулотатсия бўлими Хизмат бошлиғи-бош мухандис	шайхонтохур тумани ХТБ
Член комиссии	AMIRDJANOV KADIR XADJIYEVICH	Komissiya a'zosi	Shayxontohur tumani xalq ta'limi bo'limi
Член комиссии	TURSUNXODJAYEV MIRMAXMUD XXX	Komissiya a'zosi	Shayxontohur tumani xalq ta'limi bo'limi
Член комиссии	EGAMKULOV ELYOR MAMATKULOVICH	Komissiya a'zosi	Shayxontohur tumani xalq ta'limi bo'limi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.12.2022 года № лота 207356.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	254 мактаб йул
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	332 768 728.00
Стартовая сумма	332 768 728.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Нуқон далолатномасига асосан оферту такдим килиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Нуқон далолат номасига асосан оферту такдим килиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	15	15	14	Экспертная		
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	15	ОФЕРТА	14	Экспертная		

Критерий №2 Корхона ҳақида умумий маълумотлар.

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувоҳнома устав маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	10	10	8	Экспертная		
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	10	ИНФОРМАЦИЯ ОБ УЧАСТНИКЕ	9	Экспертная		

Критерий №3 O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligining qurilish-pudrat tashkilotlari elektron reytingidagi darajasi to'g'risida ma'lumot.

Тип: Текстовое значение

Описание: malumotнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	5	5	4	Экспертная		
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	5	РЕЙТИНГ	5	Экспертная		

Критерий №4 Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилиги ҳамда ишларини ўз вақтида топшириш тўғрисида розилиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	10	10	7	Экспертная		
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	10	ОСМОТР ПЛОЩАДКИ	9	Экспертная		

Критерий №5 Танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ходимларнинг йиллик уртача сони 10. my .mehnat.uz сайтидан юкланган бўлиш шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	10	10	7	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	10	ИНФОРМАЦИЯ ОБ ПЕРСОНАЛЕ	9	Экспертная		

Критерий №6 Ушбу иш тури бўйича керакли жихозлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати ва фото суратлар илова қилинсин

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	10	10	7	Экспертная		
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	10	МАШИНА И МАЛЫЕ МЕХАНИЗМЫ	9	Экспертная		

Критерий №7 Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлашдагига ўхшаш ишларни бажариши: Танлаш савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги 3 йили иш тажрибаси хақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	10	10	7	Экспертная		
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	10	ОПЫТ РАБОТ	9	Экспертная		

Критерий №8 Танлов иштирокчилар томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатининг мавжудлиги Инсофсиз ижрочиларининг ягона ресстрида қайд этилмаганлиги тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	5	5	4	Экспертная		
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	5	ЗАЯВЛЕНИЕ О НЕ ДОПУЩЕНИИ КОРРУПЦИИ	4	Экспертная		

Критерий №9 Оферент танлаш вақтида иштирок этаётган ва мазкур танлашнинг предмети бўлмиш объектда лойиҳа ишларини бажариш (реконструкция қилиш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлаш предмети — объектда лойиҳани бажариш учун керакли бўлган инженер-техник ходим (камида 1-

2 киши) ҳамда машина ва механизмларнинг бошқа объектларга жалб этилганлиги баҳолаш даврида инobatга олинади — 1 ва 5-шакллар. Танлаш вақтида жорий даврдаги бошқа объектлари мавжуд бўлса, (оферент курилиши ишларини давом эттираётган бўлса) курилиши тугалланмаган бошқа объектларининг ҳар бири учун 1 (балл) чегириб ташланади.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	20	20	14	Экспертная		
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	20	ИНФОРМАЦИЯ ПО НЕЗАВЕРШЕННЫМ КОНТРАКТАМ	18	Экспертная		

Критерий №10 Молиявий натижа

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов объектига ўхшаш давлат буюртмачилигидаги объектларда охирги 3 йиллик иш тажриба ва айланма маблағи 3 млрдан кам бўлмаслиги керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	10	10	7	Экспертная		
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	10	ФИНАНСОВАЯ ПОЛОЖЕНИЯ	9	Экспертная		

Финансовое значение

Наименование товара: Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог

Ценовые предложения				Порядок оценки ценовых предложений	
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	332 768 728.00	328 242 751.00 UZS	328 242 751.00	00.00	328 242 751.00
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	332 768 728.00	330 849 879.00 UZS	330 849 879.00	00.00	330 849 879.00
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	332 768 728.00	330 849 879.00 UZS	330 849 879.00	00.00	330 849 879.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 332 768 728.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)

COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	328 242 751.00 UZS	328 242 751.00	00.00	00.00	328 242 751.00	13.12.2022 15:26:36	10
OOO TASH ASPHALT BETON INVEST	330 849 879.00 UZS	330 849 879.00	00.00	00.00	330 849 879.00	12.12.2022 20:31:41	9.9212

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	81.4284	10	91.4284 ✓
OOO TASH ASPHALT BETON INVEST	67.7142	9.9212	77.6354 ✓

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 207356 от 14.12.2022 года на приобретение 254- мактаб биносини атрофини асфалтлаштириш определила победителем:

COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ
206171689

и резервный исполнитель: OOO TASH ASPHALT BETON INVEST (308343778)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	Bakiyev Vaxrom Mirganiyevich	Согласен	
Член комиссии	TURSUNOV AKROM DJAVDATOVICH	Согласен	
Член комиссии	AMIRDJANOV KADIR XADJIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	TURSUNXODJAYEV MIRMAXMUD XXX	Согласен	
Член комиссии	EGAMKULOV ELYOR MAMATKULOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

№ 25 - сонли

Шайхонтохур тумани

« 19 . » Dekabr 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 254 умумтаълим мактаби раҳбари номидан Инзом асосида иш юритувчи Б. Бахриддинов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «COMPLETE TRADE SERVICE» МЧЖ номидан Инзом асосида раҳбари Бахриддинов Б.О иккинчи томондан, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида жойлашган Чархновза МФЙ ҳудудидаги №254-сонли ўрта мактаб ҳудудини жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйдаги таърифлар қўлланилади:

- ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилинадиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
- қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилган ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилган;
- вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- беркитилинадиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитилинадиган ишлар;
- шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Смета ҳужжатларида кўзда тутилган лойиҳа бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати бэрча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда нархларда жами 328 242 751 (Уч юз йиғирма саккиз миллион икки юз қирқ икки минг етти юз эллик бир) сўм ҚҚС билан ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни таъминлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер

участкасини мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

- қурилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини бюртмачига тақдим қилади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тўлик хажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлик мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга қиради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.

15. Объектни 5 календарь кунда фойдаланишга топширилиши белгиланади .

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишларига 30 % миқдорда аванс ўтказиши, бу 98 472 825 (Тўқсон саккиз миллион тўрт юз етмуш икки минг саккиз юз йигирма беш 30 тийин) сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар 5 банки иш кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи томонидан молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган холда қолган 70 % тўловни 5 банк иш кунда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун хисобот ойнанинг охири кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий таъмирлашни молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варақ-

фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодиқий йўқ килиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини ёки техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Беркитилган вакил ёки техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи беркитилган вакил ёки техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Беркитилган вакил техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юригади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш ишларини бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
 - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
 - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
 - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунчилигига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка қунида сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартнома шартларига мувофиқ тайёр холда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

43. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар бўлади ва:

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

- Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

- Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш

хамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

-Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмасан, ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

44. Агарда томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермасан айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.

45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

46. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қилишга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

XIV. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

49. Тарафлар Шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

50. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларни бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

51. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товланачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

52. тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимларнинг рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан: - тарафларнинг ёки вакилларида маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

53. Тарафларга шартнома шартларни амалга оширишда сунъий тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

54. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1 бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

55. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз кучини йўқотади.

56. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

57. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

58. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

59. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасига бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

60. Мазкур шартноманинг нархлардаги қилишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.

61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

62. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ҳазначилиқдан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга кириши ва ушбу шартнома 31.12.2022 йил гача амал қилади.

63. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

UW6685125531

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi № 27
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Shayxontohur tumani xalq ta'limi tomonidan 19.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Shayxontoxur tuman
yuridik markaz
bosh yuristkonsulti:**



R.R.SHODMANOV
19.12.2022

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Шайхонтоҳур тумани халқ
таълими бўлими мудирининг в.б.



Б.Бакиев
19 декабрь 2022 йил

Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими раҳбарлигида
ўтказилган йиғилиш БАЁНИ

19 декабрь 2022 йил

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

Б.Бакиев – Шайхонтоҳур тумани
халқ таълими бўлими мудирининг в.б.,
комиссия раиси

Қатнашганлар:

Халқ таълими бўлими масъул
ходимлари, комиссия аъзолари

КУН ТАРТИБИ

1. 254-сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини атрофини асфалташтириш юзасидан ўтказилган электрон савдолари тўғрисида.

Б.Бакиев

Кун тартибидаги масала бўйича берилган ахборотлар маълумот учун қабул қилинсин. Ўтказилган электрон савдолари бўйича баҳолаш ишлари яқунланиб ҳужжатлар ўрганилди.

КУН ТАРТИБИ

Шайхонтоҳур туманида ижтимоий иқтисодий вазиятни яхшилаш, туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларини 2022 йилда жорий таъмирлаш Манзилли рўйхатига биноан ҳамда 14.12.2022 йилдаги Давлат харидининг лот №207356-сонли электрон баённомасига мувофиқ 254-сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини атрофини асфалташтириш тўғрисидаги электрон савдода қуйидаги пудратчи ташкилотлари **COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ, OOO TASH ASPHALT BETON INVEST** қатнашиб пудратчи ташкилотлари 100 баллик баҳолаш мезонида иштирок этишган. Электрон савдода бошлангич нарх 332 768 728сўм этиб белгиланган.

Ўтказилган электрон баҳолаш мезонлари натижасида COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ 91,4 балл тўплаган (328 242 751 сўм) ООО TASH ASPHALT BETON INVEST” 77.6 .балл тўплаган (330 849 879 сўм) иш сифати яхшилиги ва малака тоифаси юқорилиги билан Комиссия томонидан танланган.

Юқоридаги электрон савдоларда иштирок этган пудратчи ташкилотларни кўриб чиқиб, 254-сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини атрофини асфалташтириш бўйича максимал 100 баллик тизимда COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ 91,4 балл тўплаган 328 242 751 сўм билан ғолиб деб топилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, тендер ўтказилгандан сўнг 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай шикоят ва аризалар келиб тушмаганлиги сабабли комиссия аъзолари томонидан маъқулланди ва Комиссия раиси Б.М.Бакиев ушбу электрон савдолардан барчани розилигини инобатга олиб, комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ электрон савдоларида берган таклифи энг юқори балл 91,4 балл тўплаган 328 242 751 сўм 254-сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини атрофини асфалташтириш ишларини бажариш учун ғолиб деб топилсин.

2. Давлат харидлари бўйича мутахассис (Б.Изатуллаев):

Шайхонтоҳур туманидаги 254-сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини атрофини асфалташтириш ишлари бўйича COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ билан шартнома тузилсин ҳамда ушбу шартнома бўйича хужжатлар расмийлаштирилсин.

3. Мазкур баённинг бажарилишини назорат қилиш Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси Ф.Хошимова зиммасига юклансин.

Мудир ўринбосари, аъзо

Э.Эгамқулов

Бош муҳандис, аъзо

А.Турсунов

Бош иқтисодчи, аъзо

М.Турсунхўжаев

Бош муҳандис ўринбосари, аъзо

Қ.Амиржонов

Таълим сифати мониторинги бўлими
бош инспектор-методисти, масъул котиб

О.Сотиболдиев